БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 217 (708)

3 НОЯБРЬ ШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

## Ўз Ватанининг суверенитети ва мустақиллигини мардонавор ҳимоя қилаётган Миср халқига қизғин салом!

(Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).

# МИСРДАН ҚЎЛИНГНИ ТОРТ!

Англия-Франция империалистлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставини ва халқаро ҳуқуқ асосларини поймол этиб, Сувайш каналини қурол кучи билан босиб олиш ва Мисрни оккупация қилишга интилиб, мустақил Миср Республикасига қарши интервенция бошладилар. Сувайш канали масаласи яқинда Хавфсизлик Кенгашида муҳокама қилиниши натижасида ана шу проблемани тинчликсевар халқларнинг ҳохишига мувофиқ суратда тинч ҳал этиш учун бутун шарт-шароит вужудга келтирилган бир пайтда шундай қилинди.

Исроилнинг Мисрга қилган ҳужуми мустамлакачиларнинг пухта ишлаб чиқилган фитнасини амалга ошириш йўлидаги биринчи қадам эди, холос. Исроил ҳужум бошлагандан кейин Англия билан Франция Мисрга ультиматум топширдилар ва Англия ҳамда Франциянинг кўпдан буён Ўрта денгизнинг шарқий қисмида тўпланган қуролли кучларини шошилинч суратда Миср қирғоқларига юбордилар.

Инглиз ва француз дипломатлари Хавфсизлик Кенгашини ожизлантириб қўйиб, унинг Исроил агрессиясига чек қўйиш учун тегишли чоралар кўришига халақит берган бир пайтда Англия-Франциянинг қуролли кучлари Мисрга қарши интервенция бошладилар.

Мисрга қарши қуролли агрессия тўғрисидаги Баёнотида Совет Ҳукумати Англия, Франция ва Исроил ҳукуматларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти принциплари ҳамда мақсадларига зид бўлган ва БМТ аъзолари бўлмиш давлатларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини қўпол равишда бузишдан иборат бўлган агрессия ҳаракатларини қатъий қоралади.

Совет Иттифоқи ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Яқин ва Ўрта Шарқ районида тинчлик ҳамда осойишталикни сақлаш манфаатларини кўзлаб, Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши агрессив ҳаракатларини тўхтатиш учун дарҳол чоралар кўриши лозим деб ҳисоблайди. Англия ва Франция Хавфсизлик Кенгашида саботаж қилганлиги муносабати билан бу вазифани ҳал этиш жавобгарлиги эндиликда БМТ Бош Ассамблеясининг фавқулодда сессияси зиммасига юкланади. Бу сессия Хавфсизлик Кенгаши аъзолари кўпчилигининг қарори билан чақирилди.

Бугун «Правда»да Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Озарбайжон иттифоқчи республикалар ҳукуматларининг баёнотлари босилди. Бу ҳукуматлар Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши агрессиясини қатъий суратда қораламоқдалар ва мустамлакачиларнинг босқинчилик урушини тўхтатиш учун дарҳол амалий чоралар кўришни Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан талаб қилмоқдалар.

РСФСР Министрлар Совети Мисрга қарши қилинган қуролли агрессияни Россия Федерацияси халқлари номидан қатъий қоралади. Россия Федерациясининг халқлари интервентларнинг қўшинларини Миср территориясидан дарҳол олиб чиқиб кетишни талаб қилмоқдалар. Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси ҳукумати барча тинчликсевар халқларнинг Мисрга қарши агрессияни тезликда тўхтатиш тўғрисидаги талабини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон ССР ҳукумати ўзбек халқининг хоҳиш иродасини ифода этиб, Миср Республикасига қарши қилинган хиёнаткорона агрессияни кескин суратда қоралайди. Ўзбекистон халқлари Мисрга қарши уруш ҳаракатларини дарҳол тўхтатишни ва интервентларнинг қўшинларини Миср территориясидан олиб чиқиб кетишни талаб қилмоқдалар. Озарбайжон ҳукумати ўз баёнотида Озарбайжон ССР агрессорларга нисбатан қатъий чоралар кўришни Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан талаб қилаётган барча мамлакатларнинг овозига ўз овозини қўшади, деди.

Осиё ва Африка халқлари кейинги йилларда миллий мустақиллик учун курашда катта муваффақиятларга эришдилар. Осиё ва Африкадаги кўп мамлакатларда ғалаба қозонган қудратли миллий-озодлик ҳаракатининг тазъйиқи остида чекинишга мажбур бўлган мустамлакачилар қасос олиш ниятидан қайтганлари йўқ.

Инглиз-француз мустамлакачилар Мисрга қарши агрессия қилиб, бундан ҳам каттароқ мақсадларни кўзда тутаётганликларини яширмаётирлар. Уларнинг қора ниятлари Сувайш каналини ишғол қилиш, Миср территориясини босиб олишга уриниш билан чекланиб қолмаётир. Бунда гап ўзларининг миллий мустақиллигини мустаҳкамлашга интилаётган барча араб давлатларига бевосита таҳдид қилиш устида бораётир. Бундан ташқари, Англия ва Франциядаги империалистик доиралар ўз миллий мустақиллиги ва суверенитетини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Шарқдаги барча халқларга қарши қурол кўтардилар. Бу доиралар Осиё ва Африканинг эрксевар халқларини чўчитмоқчи ва ўт ҳамда қилич ёрдами билан уларни мустақиллик ва тинчлик йўлидаги муқаддас курашда чекинишга мажбур этмоқчи бўладилар.

Аммо хавфли авантюрани бошлаб берган Англия, Франция ва Исроил халқаро майдонда яккаланиб қолди. Халқлар агрессорларнинг босқинчилик ҳаракатларига қарши қатъий норозилик билдирмоқдалар ва интервентларнинг қуролли кучларини Миср территориясидан дарҳол олиб чиқиб кетишни талаб қилмоқдалар. Барча араб мамлакатлари, ҳатто ғарб давлатлари томонидан ташкил этилган Бағдод пактига қўшилган Ироқ ва Покистон ҳам Мисрни қўллаб-қувватлаяжакларини билдирдилар.

Халқ демократияси мамлакатлари, Бандунг конференциясида қатнашган мамлакатлар Англия ва Франциянинг Мисрга қарши қилган агрессиясини қатъий суратда қораламоқдалар. Ҳиндистон бош министри Неру Мисрга қарши қилинган интервенцияни «Хавфсизлик Кенгашини таҳқир этиш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставини бузиш» деб, «БМТнинг барча аъзолари қаршилик кўрсатиши лозим бўлган шармандали авантюра» деб қоралади. Бошқа бир қанча давлатлар ҳам Мисрга қарши қилинган агрессияни қораладилар.

Маълум бўлишича, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин Ҳиндистон бош министри Неруга мактуб билан мурожаат қилиб, рўй берган ҳозирги вазиятда Бандунг конференцияси қатнашчиларининг кенгашини тезликда чақириш жуда мақбул бўлур эди, деган. Бандунг конференциясининг қатнашчилари Мисрга қарши интервенцияни дарҳол тўхтатишни ва қўшинларни Миср давлати территориясидан тезликда олиб чиқиб кетишни Англия, Франция ва Исроилдан талаб қилган бўлур эди. СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловнинг Индонезия президенти Сукарнога юборган мактубида ҳам шундай таклиф илгари сурилади.

Мисрга қарши қилинган агрессив ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган хавфли оқибатлар учун бутун жавобгарлик тинчликни ва хавфсизликни бузиш йўлига, агрессия йўлига тушган Англия, Франция ва Исроил ҳукуматлари зиммасига тўла равишда юкланади. Эндиликда империалистларнинг тинчлик ишига гўё тарафдор эканликлари тўғрисидаги сохта гапларининг, халқлар эркинлиги ва мустақиллиги тўғрисида гўё ғамхўрлик қилаётганликлари ҳақида мунофиқларча айтаётган сўзларининг сариқ чақалик аҳамияти йўқ эканлигини бутун дунё кўриб турибди!

Исроил давлатидаги ҳукмрон доираларга келганда шуни айтиш керакки, улар империалистик кучларнинг қуроли сифатида ҳаракат қилиб, барча араб давлатларига қарши қурол кўтардилар. Бу билан Исроилдаги энг реакцион ва экстремист доиралар даставвал Исроил давлатининг ўзи учун жуда хавфли бўлган йўлга ўтдилар.

Совет халқи ўз миллий мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Миср халқининг адолатли ва мардона курашига зўр ҳайрихоҳлик билан қарамоқда ва агрессорларга лаънат ўқимоқда. Совет кишилари шунга аминдирларки, Миср халқи ўз бошига тушган оғир машаққатларни бутун тинчликсевар инсониятнинг мададига таяниб бартараф қилади ва ўзининг ҳаққоний ишини ҳимоя қилиб ғалаба қозонади.

Тинчликсевар халқлар агрессорларга ғазаб билан шундай демоқдалар:

Мисрдан қўлингни торт!

**(«Правда»нинг 2 ноябрдаги бошмақоласи).**

## СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ Н. А. БУЛГАНИН ЖАНОБ ОЛИЙЛАРИГА

САМОЛЁТ БОРТИДАН

МОСКВА, КРЕМЛЬ.

Дўстона қўшни мамлакат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи территориясидан чиқиб кетаётган пайтда, мен бизга кўрсатилган меҳмондўстлик учун СССР Ҳукуматига ва халқига ўзимнинг самимий туйғуларимни изҳор этиш ва чин кўнглимдан миннатдорчилик билдиришни истар эдим.

Сафаримиз натижасида Совет Иттифоқининг халқи ва Ҳукумати ҳақидаги энг яхши хотираларимиз фақат мен ва менинг ҳамроҳларим учунгина қимматли бўлиб қолмай, балки биз бу хотираларни ҳақиқий дўстларимизнинг ва яхши қўшниларимизнинг жонли саломи сифатида афғон халқига етказамиз.

Афғонистон ва Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона муносабатларнинг давом этишини ва мустаҳкамланишини истайман.

Яна бир марта менинг энг яхши тилакларимни, дўстона туйғуларимни ва самимий миннатдорчилигимни қабул қилгайсиз.

**МУҲАММАД ДОВУД.**

1956 йил, 2 ноябрь.

# Мисрга қарши бошланган қуролли агрессия дарҳол тўхтатилсин!

## *Мисрга қарши қилинган қуролли агрессия тўғрисида РСФСР Министрлар Советининг баёноти*

Англия, Франция ва Исроил Мисрнинг тинч ва эрксевар халқига қарши агрессив ҳужум қилди. Исроил қўшинлари Миср чегарасидан ўтдилар ва Мисрга қарши уруш ҳаракатларини бошлаб юбордилар, инглиз-француз империалистлари Миср территориясига тушириш учун ўз қўшинларини юбордилар, Англия ва Франция авиацияси Мисрнинг пойтахти Қоҳирани ва бошқа бир қанча шаҳарларни ваҳшиёна бомбардировка қилди.

Миср территориясида бўлган Сувайш каналини босиб олиш мақсадида Миср халқига қарши мустамлакачилик босқинчилик урушини бошлаган Англия, Франция ва Исроилдаги империалистик доираларнинг жиноий ҳаракатларидан жаҳондаги барча халқлар қаттиқ ғазабландилар. Дунё халқлари Англия ва Франция империалистларининг мустамлакачиликдан иборат қора ниятларини амалга оширишда малайлик ролини итоатгўйлик билан ўз зиммасига олган Исроил ҳукуматига лаънат ўқимоқдалар.

РСФСР Министрлар Совети Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши қуролли агрессиясини Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси халқлари номидан қатъий қоралайди.

Миср давлатига қарши қуролли интервенция бошлаган Англия, Франция ва Исроилнинг агрессив ҳаракатлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг принциплари ва мақсадларига тамомила зид бўлиб, ана шу давлатларнинг тантанали суратда ўз зиммаларига олган мажбуриятларини қўпол равишда бузишдир. Бу ҳаракатлар мустамлакачилик зулмига қарши кураш олиб бораётган барча араб халқларига, Шарқнинг барча халқларига қарши қурол кўтаришдан иборат.

Россия Федерациясининг халқлари Англия, Франция ва Исроилнинг агрессив ҳаракатларини тўхтатиш ва интервентларнинг қўшинларини Миср территориясидан дарҳол олиб чиқиб кетиш учун шошилинч ва амалий тадбирлар кўришни бутун совет халқи билан ва прогрессив инсоният билан биргаликда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашидан талаб қиладилар.

Россия Федерациясининг ишчилари, колхозчилари, интеллигенцияси, барча меҳнаткашлари мустамлакачи интервентларга қарши, ўз шаъни-шарафи, озодлиги ва миллий мустақиллиги учун адолатли ва мардона кураш олиб бораётган Миср халқига, Миср ҳукуматига самимий ҳайрихоҳликларини якдиллик билан изҳор қиладилар.

1956 йил, 1 ноябрь.

## Мисрга қарши қилинган қуролли агрессия тўғрисида Қозоғистон ССР ҳукуматининг баёноти

Англия, Франция ва Исроил суверен Миср давлатининг қонуний ҳуқуқларини сурбетларча поймол этиб, Миср ҳукуматини Сувайш каналини национализация қилишдан воз кечишга мажбур этиш ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқда мустамлакачилик зулми режимини қайтадан тиклаш мақсадида Мисрга қарши қуролли агрессия қилдилар.

Дунё халқлари халқаро кескинликни юмшатиш учун, барча жанжалли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш учун кураш олиб бораётган ҳозирги кунларда Англия ва Франция авиацияси Мисрнинг шаҳар ва қишлоқларини бомбардировка қилиб, тинчликсевар Миср халқининг қонини тўкмоқда.

Англия, Франция ва Исроил ана шу агрессив ҳаракатлари билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставини ва Хавфсизлик Кенгашининг Сувайш проблемасини тинч ҳал этиш тўғрисидаги қарорини ошкора буздилар.

Қозоғистон Совет Социалистик Республикаси ҳукумати ўзининг миллий мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Миср халқининг адолатли курашига самимий ҳайрихоҳ эканлигини билдириб, Англия, Франция ва Исроилнинг агрессив ҳаракатларини қатъий суратда қоралайди, барча тинчликсевар халқларнинг Мисрга қарши агрессияни дарҳол тўхтатиш, интервентларнинг қўшинларини Миср территориясидан олиб чиқиб кетиш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг агрессорларга нисбатан қатъий чоралар кўриши кераклиги тўғрисидаги талабини қўллаб-қувватлайди.

1956 йил, 1 ноябрь.

## Мисрга қарши қилинган қуролли агрессия тўғрисида Қирғизистон ССР ҳукуматининг баёноти

Қирғизистон Совет Социалистик Республикаси ҳукумати Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши қилган қуролли ҳужумини қатъий қоралайди.

Англия, Франция ва Исроил қўшинлари тинчликсевар Миср давлатига қарши хиёнаткорона ҳужум қилдилар, Мисрнинг тинч шаҳарлари ва қишлоқларини ваҳшиёна бомбардировка қилдилар. Мисрга қарши қилинган бу ҳужум душманлик акти бўлиб, Мисрнинг суверен ҳуқуқларини, унинг шаън-шарафи ва территориал бутунлигини қўпол равишда бузади, БМТ нинг Устави ва принципларига тамомила зиддир. Империалистик доиралар Мисрга қарши жиноий уруш бошлаб, Шарқда мустамлакачилик зулми режимини тиклашга, араб мамлакатлари халқларининг ўз озодлиги ва мустақиллиги йўлида олиб бораётган қаҳрамонона курашини тор-мор қилишга уринмоқдалар.

Англия, Франция ва Исроилнинг Миср давлатига қарши ҳарбий интервенциясидан ғазабланган қирғиз халқи ўзининг миллий мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Миср халқига самимий ҳайрихоҳлиги ва ҳамдардлигини билдиради.

Қирғизистон Совет Социалистик Республикаси Ҳукумати агрессорларни жиловлашни Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан талаб қилаётган мамлакатларнинг овозига ўз овозини қўшади. Қирғизистон Совет Социалистик Республикаси Ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тинчлик ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқ халқларининг хавфсизлиги учун Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши агрессив ҳаракатларини тўхтатиш йўлида дарҳол чора кўриши ва интервентларнинг қўшинларини Миср территориясидан тезликда олиб чиқиб кетишни талаб қилиши лозим, деб ҳисоблайди.

## *СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошилов Сурия Президенти Шукри Қуатли шарафига зиёфат берди*

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов расмий визит билан Москвага келган Сурия республикаси Президенти Шукри Қуатли шарафига 1 ноябрда Катта Кремль Саройида зиёфат берди.

Зиёфатда Сурия Президенти билан бирга унинг рафиқаси Бахира Қуатли ва қизи Худа, Қишлоқ хўжалик министри Рашад Жабрий, Ташқи ишлар министри Салоҳиддин Битар, Мудофаа министри Абдул Ҳасиб Раслон ва сурияли бошқа меҳмонлар бўлдилар.

Зиёфатда Н. А. Булганин, Л. М. Каганович, А. И. Микоян, М. З. Сабуров, М. А. Суслов, Г. К. Жуков, Д. Т. Шепилов, Е. А. Фурцева, Н. М. Шверник, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Зиёфат самимий вазиятда ўтди.

СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошилов ва Сурия республикаси Президенти Шукри Қуатли нутқ сўзладилар.

# СССР ОЛИЙ СУДИДА

СССР Олий Судининг пленуми зарур ҳимоя ҳақидаги қонунларни қўлланиш билан боғлиқ бўлган ишлар юзасидан суд қилиш практикаси ҳақидаги масалани муҳокама қилди ва баъзи судлар бу ишлар юзасидан жиддий хатоларга йўл қўяётганликларини аниқлади.

СССР ва иттифоқчи республикалар Жиноят Қонунлари Асосий Қоидаларининг 9- моддасида ва иттифоқчи республикаларнинг барча Жиноят Кодексларида мавжуд бўлган ва унга мувофиқ келадиган моддаларда белгиланадики, ўзини ҳимоя қилаётган гражданнинг ёки бошқа гражданнинг шахсига ёхуд ҳуқуқларига қасд қилинишига қарши зарур ҳимоя вақтида жиноят қонунида кўзда тутилганча ҳаракатларда бўлган кишиларга нисбатан жиноий жазо чораларининг татбиқ қилиниши сира мумкин эмас. Шундай қилиб, қонун гражданларга бошқача шароитларда жиноят ҳисобланиб жазо чоралари қўлланишга сабаб бўладиган, аммо ҳужумни қайтариш вақтида ҳақли ҳисобланадиган ва ўзини-ўзи ҳимоя қилиш доирасидан чиқмаган ҳаракатларда, ўзини ҳам, шунингдек бошқа шахсларни ҳам безорилардан, таланчилардан, бандитлардан ва бошқа жиноятчилардан актив ҳимоя қилиш ҳуқуқини беради, фақат бундай ҳимоя ҳаракатлари зарур ҳимоя чегарасидан ошмаслиги шарт.

Шунга қарамай судлар бир қанча ҳолларда қонуннинг бу талабларини назарга олмадилар ва зарур ҳимоя ҳолатида шундай ўзини ҳимоя қилиш чегарасидан чиқмай ҳаракат қилган шахсларни асоссиз равишда айблаб ҳукм қилиб келдилар.

Суд ишидаги бундай хатолар гражданларнинг қонуний ҳимояланиш ҳуқуқларини чеклаб қўйиш билан жиноятчиларнинг бемалол иш кўришларига объектив равишда ёрдам берадики, бу ҳол совет жамоатчилигининг ҳақли равишда норозилик билдиришига сабаб бўлади ва жиноятчиликка қарши курашни қийинлаштиради. Бу нарса матбуотда кўп марта тўғри кўрсатиб ўтилди.

СССР Олий Суди шу категориядаги бир қанча ишларни текшириб чиқди ва текширилган ишлар юзасидан хато ҳукмларни бекор қилди.

СССР Олий Судининг пленуми СССР, иттифоқчи ва автоном республикаларнинг суд тузилиши тўғрисидаги Қонуннинг 75- моддасига биноан, зарур ҳимоя тўғрисидаги қонунларни татбиқ қилиш билан боғлиқ бўлган ишлар юзасидан судларга махсус қўлланма чиқарди. Пленум тушунтирдики, ўзини ҳимоя қилувчи киши томонидан қўлланган ҳимоя воситалари ва методлари ҳужумнинг характерига ҳам, ҳужум бўлган вазиятга ҳам сира муносиб бўлмаган тақдирдагина ва ўзини ҳимоя қилувчи киши ҳужум қилувчига ўринсиз равишда қаттиқ шикаст етказган тақдирдагина буни зарур ҳимоя чегарасидан ташқари чиқиш деб билиш керак.

Пленум кўрсатдики, судлар зарур ҳимоя чегарасидан ташқари чиқиш ҳақидаги масалани ҳал этишга юзаки қарамасликлари, балки ҳимоя қилинувчига нисбатан бўлган хавфнинг даражасини ва характерини, ҳужум бўлган вазиятни, ҳимоя қилинувчининг қувватини ва имкониятларини назар-эътиборга олишлари лозим. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, ҳужумдан ва ҳужумнинг қўққисдан бўлишидан қаттиқ ҳаяжонланган киши баъзан хавфнинг характерига аниқ баҳо беролмайди ва бунга яраша қандай ҳимоя воситаларини қўлланиш кераклигини билолмай қолади.

Пленум тушунтирдики, зарур ҳимоя ҳолати фақат ҳужум бўлган пайтдагина эмас, балки ҳужум хавфи реаллашган ҳолларда ҳам бошланади, шунингдек ўз-ўзини ҳимоя қилиш тадбири гарчи ҳужумдан кейин кўрилса-ю, аммо ҳужум тамом бўлганлиги ўзини ҳимоя қилувчи кишига маълум бўлмаса, шундай ҳолларда ҳам зарур ҳимоя ҳолати бошланади. Фақат, ҳужум қайтарилганидан кейин ёки ҳужум тамом бўлгандан кейин, актив ҳимоя воситаларини қўлланиш зарурияти қолмаган вақтда ҳужумчига қаттиқ шикаст етказилган тақдирда, зарар етказишга сабаб бўлган ҳаракатлар ўзбошимчалик билан ўч олиш ниятида қилинган бўлса, бундай ҳаракатларда бўлган киши жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ

# ҚАРОРИ

### Ўзбекистон ССРда СССР Олий Совети Президиумининг «Колхозларда ва совхозларда экинларни пайхон қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида» 1955 йил 11 январда чиқарган Фармонини бузиш фактлари ҳақида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қайд қилиб ўтадики, меҳнаткашлар депутатлари область ва район советларининг кўпгина ижроия комитетлари СССР Олий Совети Президиумининг 1955 йил 11 январда чиқарган Фармонини ҳамма қишлоқ Советларининг бажариши учун тегишли чораларни кўрмадилар ва бу Фармонни кенг колхозчилар оммаси ўртасида тушунтиришни таъминламадиларки, бу эса бир қанча ҳолларда мазкур Фармонни бузиш ҳолларига олиб келди.

Ўзбекистон ССР прокуратураси томонидан ўтказилган текшириш натижасида аниқландики, республиканинг бир қанча колхоз ва совхозларида пахтани мол қўйиб пайхон қилиш ҳолларига қарши кураш қониқарли олиб борилмаётир, бунинг натижасида эса катта нобудгарчилик юз бермоқда.

Баъзи қишлоқ Советлари экинлар пайхон қилинаётганлиги тўғрисида тушган материалларни узоқ вақт давомида кўрмай келадилар, пайхон қилинганлиги тўғрисидаги актларнинг колхозлар томонидан қишлоқ Советларига ўз вақтида топширилишини контроль қилиб турмайдилар, СССР Олий Совети Президиумининг 1955 йил 11 январдаги Фармонига мувофиқ, солинган штрафларни ундириб олмайдилар, шундай қилиб, айбдорларни жазосиз қолдирадилар. Экинлар пайхон қилинганлиги тўғрисидаги кўпгина актлар анча кечикиб тузилади ва бу актларда етказилган зарарнинг миқдори кўпинча белгиланмай қолдирилади.

Ғузор районидаги Қўштепа қишлоқ Советида (раиси ўртоқ Раҳматуллаева) пахтани мол пайхон қилганлиги тўғрисида тузилган 70 та акт топилди. Бу актлар юзасидан ҳеч қандай чора кўрилмаган. Китоб районидаги Сталин қишлоқ Совети ҳам пахтани айрим кишиларнинг моллари пайхон қилганлиги тўғрисида тузилган 21 та акт юзасидан ҳеч қандай чора кўрмаган ва бу актларга зарур чоралар кўриш ўрнига ғайри-қонуний равишда Ворошилов номли колхоз правлениесига қайтариб юборган. Чироқчи районидаги Охунбобоев қишлоқ Советида, Каттақўрғон районидаги Чимбой қишлоқ Советида, Норпой районидаги Киров қишлоқ Советида, Хатирчи районидаги Сталинобод ва Ленин қишлоқ Советларида, Ғаллаорол районидаги Иттифоқ қишлоқ Советида ҳам ана шунга ўхшаш ҳоллар юз берган.

Пахтани мол қўйиб пайхон қилиш фактлари яна шунинг учун ҳам юз бермоқдаки, кўпгина колхоз правлениелари, МТС директорлари, ферма мудирлари СССР Олий Совети Президиумининг 1955 йил 11 январдаги Фармонини оғишмай бажариш учун зарур чораларни кўрмаётирлар. Хоразм, Тошкент, Қашқадарё областларининг ва Қорақалпоғистон АССРнинг колхозларида бундай фактлар айниқса кўп. Масалан, Урганч районидаги Молотов номли колхознинг 2- бригадасида 40 метр узунликда бўлган икки қатордаги ғўзани, шу райондаги Хрушчев номли колхознинг 15- бригадасида 15-квадрат метр майдондаги ва Гулистон районидаги «Красная заря» колхозининг 3- бригадасида 500 квадрат метр майдондаги ғўзани мол пайхон қилган.

Республиканинг прокуратура органлари СССР Олий Совети Президиумининг 1955 йил 11 январдаги Фармонига қаттиқ риоя қилиниши устидан тегишли даражада назорат қилиб турмайдилар.

Олий Совет Президиуми ҳисоблайдики, меҳнаткашлар депутатлари область ва район Советларининг баъзи ижроия комитетлари СССР Олий Совети Президиумининг 1955 йил 11 январдаги Фармонининг аҳамиятига етарли баҳо бермадилар ва қишлоқ Советларининг, колхоз ва совхозларнинг бу Фармонни ўз вақтида бажаришлари устидан тегишли контроль қилиб турмадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми **қарор қилади:**

1. Республиканинг меҳнаткашлар депутатлари область, район, посёлка ва қишлоқ Советлари ижроия комитетларига СССР Олий Совети Президиумининг 1955 йил 11 январдаги Фармонини бажариш соҳасида мавжуд бўлган камчиликларни ва бузилишларни йўқотиш мажбурияти юклансин, бунинг учун:

а) колхоз ва совхозларда пахтанинг нобуд қилинганлиги учун МТС ва совхоз директорларининг, шунингдек колхоз правлениеларининг масъулияти оширилсин;

б) бу Фармоннинг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ўз мажлисларида қишлоқ Советлари ижроия комитетлари раисларининг, совхоз ва МТС директорларининг, шунингдек колхоз правлениеси раисларининг аҳборотлари эшитиб турилсин;

в) СССР Олий Совети Президиумининг «Колхозларда ва совхозларда экинларни пайхон қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида» 1955 йил 11 январда чиқарган Фармони колхозчилар, совхоз ва МТС ишчилари ўртасида кенг тушунтирилсин, шу мақсад учун маҳаллий Советларнинг депутатлари ва доимий комиссиялари, шунингдек қишлоқ хўжалик мутахассислари ва кенг активлар жалб қилинсин.

2. Ўзбекистон ССР прокурори ўртоқ М. Ш. Шералиевга СССР Олий Совети Президиумининг «Колхозларда ва совхозларда экинларни пайхон қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида» 1955 йил 11 январда чиқарган Фармонига республикада пухта ва оғишмай амал қилиш устидан назоратни кучайтириш вазифаси юклатилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.**

1956 йил, 30 октябрь. Тошкент шаҳри.

## ЎЗБЕКИСТОН КП БЎСТОНЛИҚ РАЙОН КОМИТЕТИГА ВА РАЙОН ИЖРОИЯ КОМИТЕТИГА

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Бўстонлиқ районининг колхозчиларини, МТС ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, партия ва совет ходимларини ҳамда барча меҳнаткашларини пахта териш ва уни давлатга топшириш юзасидан олган мажбуриятларини муддатидан илгари бажарганликлари билан табриклайдилар ва район колхозчилари, МТС ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия ва совет ходимлари ҳамда барча меҳнаткашлари ўз зиммаларига олган қўшимча мажбуриятларини бажарадилар, етиштирилган бутун пахта ҳосилини териб олиб, давлатга топширадилар, кузги экишни муваффақиятли ўтказадилар, баҳори экинлар экиладиган бутун майдонни шудгорлаб қўядилар, давлатга барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини топшириб бўладилар, ем-хашак тайёрлаш, чорвачилик бинолари қуриш планининг бажарилишини таъминлайдилар ҳамда чорва моллар қишловини намунали ўтказадилар, деб ишонч билдирадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

## ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ ЎЗ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИНИ БАЖАРДИ

**КПСС XX съездининг тарихий қарорларидан руҳланган Оржоникидзе район колхозчилари, МТС ходимлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари меҳнат соҳасида катта ютуқни қўлга киритдилар. Кеча район пахта тайёрлаш юзасидан олган ўз социалистик мажбуриятини бажарди. Район пахтакорлари давлатга 20.536 тонна, яъни ҳар гектар ердан 34,7 центнердан пахта топширдилар. Пахтанинг 95,6 проценти биринчи сортга топширилди.**

**Район колхозлари ўз имкониятларини жамлаб кўриб, 20 ноябрга қадар яна 2 минг тонна пахта териб топшириш тўғрисида қўшимча мажбурият олдилар.**

**Район колхозлари йирик қора моллар бўйича планни 103 процент, чўчқачилик бўйича 157 процент, паррандачилик бўйича 101,3 процент бажардилар. Ҳар бир соғин сигирдан 2129 килограммдан сут соғиб олинди. Сабзавот тайёрлаш плани 111 процент бажарилди.**

**Ҳозир районда пахта теримини тугаллаш билан бир қаторда келгуси йили янада кўпроқ ҳосил олиш учун тайёргарлик кенг қизитиб юборилди.**

